БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 4 (4103)
5 ЯНВАРЬ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ленинчасига, коммунистчасига ишлайлик

ВАЪДАГА ВАФО

4-дон маҳсулотлари комбинатининг омихта ем цехи коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилида 44 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда берганди. Коллектив бу ваъдасини ортиғи билан бажарди. Тошкент областининг колхоз ва совхозларидаги фермаларга, бўрдоқичилик базаларига 46 минг тоннага яқин маҳсулот юборилди. Цех азаматлари ҳозир меҳнат суръатларини янада жадаллаштириб, беш йилликнинг сўнгги йили учун белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллашга яхши замин тайёрлашяпти.

БУГУН

цех коллективининг янги йил бошидан бери буюртмачиларга юборган маҳсулоти 700 тоннага етди. Бу маҳсулотнинг асосий қисми юқори сифатда тайёрланди.

Цехда кейинги пайтларда ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича кўпгина ишлар амалга - оширилди. Жумладан, ўтган йили эгаллаб келаётган масъулиятли донни янчадиган янги машина ўрнатилди. Куни-кеча хом ашёни олдиндан қориштириш мосламаси қурилиши тугалланди. Бу маҳсулот ассортиментини янада кенгайтириб, ёш чўчқалар учун ем тайёрлаш имконини беради.

Цехда беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун авж олаётган социалистик мусобақада қўчилардан К. Қўзибоев, Г. Тўйчиев, Н. Юхникова қўчиликка намуна бўлишяпти.



Коммунистик меҳнат зарбдори Мансур Азларов кўп йиллардан буён «Узбексельмаш» заводида тайёр маҳсулот жўнатиш бўйича диспетчер бўлиб ишлаб келмоқда. Деҳқонларга кўп ва сифатли машиналар етказиб берилишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТДА: М. Азларов тайёр қисмларни буюртмачиларга жўнатиш тараддудини кўрмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЮКСАК КЎТАРИНКИЛИК ВАЗИЯТИДА

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 152-Пахтаобод сайлов округига кирган меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари Москва районидаги Охунбобоев номли колхознинг байрамона безатилган клубига тўпландилар. Район ижроия комитетининг раиси А. Раҳимов округ сайловолди кенгашини очиб, қўйидагиларни таъкидлади: округ меҳнаткашлари, шунингдек бутун Москва район меҳнаткашлари сайловолди кампаниясини КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, яқинлашиб келаётган байрам — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги туфайли вужудга келган зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик билан нишонламоқдалар.

Фрунзе номли колхоз раиси Б. Ҳасановга сўз берилади. У айтдики, хўжалик меҳнаткашлари ўзининг сайловолди йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовни республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

— Шароф Рашидович, — деб таъкидлади нотиқ, — партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, чинакам интернационалистдир. У кўп йиллардан буён эгаллаб келаётган масъулиятли лавозимларда ўзининг ташкилотчилик истеъдодини, олижаноб шахсий фазилатларини намоён этмоқда. Шаҳарларимиз ва қишлоқларимизда турмуш йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Масалан, бизнинг хўжалигимиз мустаҳкам иқтисодий базага, колхозчилар эса аъло даражадаги маиший шароитларга эга. Бугунги кунда республиканинг минг-минглаб деҳқонлари шаҳар шароитига яқин шароитларда яшамоқдалар. Бу — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг жанговар отряди — Ўзбекистон Компартияси совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганининг ёрқин мисолидир.

Навоий номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Муродов, Ўрта Шаҳрихон қишлоқ Советининг раиси Т. Зойидбоева, Охунбобоев номли колхоз бригадири К. Маматов, Фрунзе номли колхоз болалар боғчасининг тарбиячиси Х. Каримова ва бошқалар Ш. Р. Рашидовнинг номзодини астойдил қўллаб-қувватладилар. Улар ўз коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга азму қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар.

Округ сайловолди кенгашининг қатнашчилари 152-Пахтаобод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сиёсатга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Шароф Рашидович Рашидов**га мурожаат қилдилар.

(ЎзТАГ).

Халқаро мавзуда суҳбат

БУТУН ИНСОНИЯТ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Кишиларнинг янги йилга қадам қўйиб, бир бирларига ўз ишлари ва ташаббусларида муваффақиятлар, ҳаётда бахт-саодат ва фаровонлик тилаши одат бўлиб қолган. Халқларнинг иқтисодий ва маънавий ғараққиёти учун зарур шарт-шароит яратувчи тинчлик мана шу истакларнинг рўёбга чиқиши учун энг муҳим асосдир.

Бизнинг планетамизда қурол-яроғлар тоғ-тоғ бўлиб тўпланаётган, давом этаётган қуролланиш моддий воситалар ва киши кучларининг кўп қисмини банд қилиб турган бир шароитда мустаҳкам тинчлик ва тараққиёт учун гарантия бўлиши мумкинми? Яқинда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган халқаро тинчлик анжуманида келтирилган қуйидаги рақамлар ва фактлар тўғрисида бир ўйлаб кўрингчи? Турли мамлакатларда ажал қуроллари ни такомиллаштириш устида ярим миллион олим иш олиб бормоқда. Илмий ишларга сарфланаётган барча маблағларнинг 70 проценти ҳарбий тадқиқотлар учун ажратилмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳонда 25 миллион киши ҳарбий хизматда турибди. Мана шу 25 миллион киши учун жаҳондаги барча хом ашёнинг қарийб ярми сарфланмоқда. Анжуманнинг якунловчи ахборотида келтирилган рақамни айниқса даҳшатли деб айтиш мумкин: жаҳонда қурол-яроғ ишлаб чиқариш учун ҳар дақиқада бир миллион доллар сарфланмоқда.

СССР социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар билан биргаликда қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш учун, реал қуролсизланишга ўтиш учун ҳормай-толмай ва қаттиқ кураш олиб бораётганлигини айтиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. 152 давлат аъзо бўлган энг мўътабар ва универсал халқаро ташкилот— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик, халқаро хавфсизлик ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашда муҳим воситадир. БМТ Бош ассамблеясининг уч ой давом этган навбатдаги XXXIV сессияси ўз ишини янги, 1980 йил арафасида тугаллади.

Сессия тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига катта ва фойдали ҳисса қўшди. Сессияда бўлиб ўтган мунозаралар, шунингдек унда қабул қилинган қарорлар империалистик кучларнинг қаршилик кўрсатиш ҳаракати ўсганлигига қарамай, халқаро кескинликни юмшатиш жараёни замонамизнинг энг асосий йўналиши бўлиб қолаётганлигини тасдиқлади. Делегатларнинг жуда катта кўпчилиги қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш, қарбий аслаҳаларни камайтириш ва тугатишга киришишга, жаҳоннинг турли мамлакатларида кескинлик ўчоқларини сўндириш, тинч ҳамкорликни ривожлантиришга даъват этди.

Л. И. Брежневнинг яқинда Берлинда сўзлаган нуткида баён этилган тинчлик ташаббуслари сессия иштирокчилари томонидан кенг маъқулланиб қутиб олинди.

Халқаро муносабатларда гегемонизм сиёсатига йўл қўймаслик тўғрисида Бош ассамблеянинг совет таклифларини маъқуллаганлиги XXXIV сессия давомидаги асосий воқеа бўлди. Жуда катта кўпчилик овоз билан қабул қилинган резолюцияда (унга фақат 4 делегация, шу жумладан АҚШ билан Исроил қарши овоз бердилар) гегемонизм ҳар қандай кўринишда— империалистик, миллий мустамлакачилик, ирқчилик ва буюк давлат шовинизми кўринишидаги гегемонизм қораланди. Гегемончилик сиёсатини бутун дунё миқёсида, шунингдек регионал миқёсда кимлар амалга ошираётгани ҳаммага яхши маълум. Бу мамлакатлар АҚШ, Исроил, Хитой ва иркчи Жанубий Африка Республикасидир. Мазкур давлатлар бошқа халқларни ўз идоресига бўйсундиришга, қуроляроғ, иқтисодий қамал, шантаж ва бошқа усуллар билан «бошқаларга сабок беришга даъво қилмоқдалар.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш масалалари сессия ишида жуда муҳим ўринни эгаллади. Шу проблемалар хусусида 40 дан кўп резолюция қабул қилинди. Бош ассамблея стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида иккинчи Совет— Америка шартномасининг тузилишини табриклади ва унинг тезроқ кучга киришига умид қилди. Сессия, шунингдек ядро қуроли синовларини ялпи ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги шартномани; радиологик қуролни тақиқлаш тўғрисида ҳозирдаёқ СССР билан АҚШ ўртасида асосан келишиб олинган шартномани; оммавий қирғин қуроллари янги турлари ва системаларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномаларни (бу шартномаларга ғарб ҳамон қаршилик кўрсатаётганлиги маълум) ва химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисидаги шартномаларни тузишни тугаллашни талаб қилди.

Уз ишини тамомлаган сессия халқларнинг мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши кураши қонуний эканлигини тасдиқлади, Зимбабве ва Намибия халқларига ҳақиқий мустақиллик берилишини, халқаро иқтисодий муносабатларни адолат ва тенг ҳуқуқлилик асосида қайта қуришни, янги иқтисодий тартиб ўрнатилишини талаб қилди.

Хуллас, Бош ассамблеянинг XXXIV сессияси бутун инсониятни қизиқтираётган проблемалар хусусида бир канча муҳим ва фойдали қарорлар қабул қилди. Эндиликда ҳамма ғам шу қарорларнинг қандай қилиб ва қай даражада амалга оширилишига боғлиқдир. Уларнинг амалга оширилишидан жаҳондаги барча халқлар астойдил манфаатдордирлар.

В. СЕРОВ,

ТАСС.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон ишлаб чиқариш илғорларидан қирқ мингдан кўпроқ киши ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда, республика шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашларидан 130 мингдан зиёд киши беш йиллик топшириғини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача бажариш мажбуриятини олган. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 4 январда Тошкентда бўлиб ўтган пленумида илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, меҳнаткашлар коллективларини ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга бундан буён ҳам сафарбар этиш зарурлиги тўғрисида гаплашиб олинди.

Пленум болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва мактабдан ташқари вақтда уларнинг ижодий ишлар билан шуғулланишлари учун шароит яратиб бериш соҳасида республика касаба союзларининг вазифаларини ҳам кўриб чиқди.

● Челябинск шаҳрини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олайлик

ТОШКЕНТ ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Кеча В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида республика пойтахти идеология активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент идеология активистларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров йиғилишни кириш сўзи билан очди. Шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов доклад қилди.

Докладчи В. И. Ленининг большевиклар партиясини, жаҳонда биринчи социалистик давлатни тузишдаги буюк ролини таъкидлаб, бутун прогрессив инсониятнинг революция доҳийсига, Маркс ва Энгельс ишининг гениал давомчисига, пролетариат, барча меҳнаткашлар оммасининг доно устозига мислсиз муҳаббат ва ҳурматларини уқтириб ўтди, яқинлашиб келаётган шонли санага шаҳарликлар қандай тайёргарлик кўраётганлари тўғрисида гапириб берди.

Тошкент меҳнаткашлари Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш йўлида, ўнинчи беш йиллик топшириқларини адо этиш борасида кўпгина ютуқларга эришдилар. Тўрт йил ичида саноат ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 30,8 процент ўрнига 32,9 процент кўпайди. Планга қўшимча 339 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Сўнгги белгиси олган буюмларни ишлаб чиқариш икки ярим мартадан кўпроқ ошди.

Ҳозирги пайтда Тошкентнинг 12 мингдан зиёд меҳнатчиси ўз беш йиллик топшириқларини бажардилар. Улар ўн биринчи беш йиллик ҳисобига самарали меҳнат қилмоқдалар. 125 минг ишчи В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, бу шонли санагача шахсий беш йиллик планларини бажариш учун социалистик мусобақага қўшилдилар. «Ташсельмаш» заводининг слесари Маҳмуд Мўйдинов, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Евгения Губина, «Узкомсельхозтехника» тажриба-механика заводининг токари Юсуфжон Маҳмуджонов, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмасининг тикувчиси Алла Ким ва бошқалар бу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлишди.

Пешқадамлар тажрибасини ҳар бир меҳнатчининг мулкига айлантириш, ишни янада яхшилаш учун барча имкониятлардан янада самарали фойдаланишга сафарбар этиш партия ташкилотларининг барча агитатор, пропагандист кадрларнинг бурчидир. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлаш учун оммавий социалистик мусобақани янада кенг тус олдириш зарур.

Партия коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришда идеологик фаолиятга катта аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида халқ хўжалигининг ҳозирги вазифалари билан биргаликда бу ишнинг бош йўналишлари белгилаб берилди. Энг аввало, социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш, уни сифат кўрсаткичларини янада кўтаришга йўналтириш, муқобил планлар учун курашиш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва ёйиш, иқтисодий режимни кучайтириш, моддий ва моليявий ресурслардан рационал фойдаланиш, меҳнат интизомини бузишга қарши курашиш лозим. Бу талаблар Ленин юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давридаги ғоявий-тарбиявий ишларни ташкил этишда айниқса ҳисобга олиняпти.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида идеология ишида дадабабоблик ва шовқин-сурон, В. И. Ленин айтганидек «сиёсий вайсақилик» камроқ бўлишини уқтириб ўтган эди. Совет кишилари билан ошкора, жиддий ва асосли равишда гаплашиш керак. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши қарорлари мана шунга даъват этади.

Партия пропагандаси, сиёсий агитация максимал даражада аниқ бўлиши, кишиларни тўлқинлантираётган саволларга ишончли ва ишнинг кўзини билиб жавоб бериши керак. Мана шундагина коммунист, агитатор ёки пропагандистнинг сўзи меҳнат шижоатини, меҳнаткашларнинг ғайратини жўш урдириб юборади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги ҳамда Совет давлати ҳаётидаги бошқа шонли сана ва воқеаларга тайёргарлик кўриш ва уларни нишонлаш даврларида тўпланган тажрибалардан фойдаланиб, меҳнаткашларни В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти, Коммунистик партия ва совет халқининг жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратиш керак.

Ҳозирги вақтда марксизм-ленинизм асосларининг 400 мактабида ва комсомол сиёсий маорифининг 340 тўгаракларида 17 минг киши В. И. Ленининг таржимаи ҳолини ўрганмоқдалар. 15 мингдан зиёд киши ленинча назарий меросни чуқур ўрганиш бўйича курсларда шуғулланмоқда. Партия ва иқтисодий ўқувнинг тингловчилари ўқув программаларини ўрганиш чоғида Ленинга, партия ҳужжатларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Халқ университетларининг (шаҳарда 212 та ана шундай университет бор) ўқув планларига ленинча ғояларнинг улуғворлигини кўрсатувчи материаллар киритилган.

Ленин юбилейи қилида комсомол ўқуви, оммавий иқтисодий таълим системасида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида олиб борилаётган барча ғоявий-тарбиявий ишларда тингловчиларнинг Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, КПССнинг тарихий тажрибасини иқтисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал этиш билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур ўрганишларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Бунда ленинча ғояларнинг халқаро аҳамиятини, актуаллигини, буюк кучини ҳар томонлама очиб бериш, Ленин васиятларини ҳаётга татбиқ этиш, революцион таълимотни ижодий ривожлантириш юзасидан партиянинг революцион-ўзгартирувчилик фаолиятини кенг кўрсатиш керак.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ҳамда «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти тадбирларига мувофиқ ҳозир корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда иқтимоий-сиёсий ва ленинча ўқишлар ўтказиляпти. Уларда олимлар, лекторлар, адабиёт ва санъат арбоблари иштирок этишяпти. В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оммавий нусхада нашрлар томонидан икки серияда брошюралар чиқарилди. Бу ишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш керак. Тошкентнинг барча районларида «Ленин иши яшайди ва ғалаба қозонади» мавзуида иқтимоий-сиёсий ўқишлар ташкил этиш лозим.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, «Билим» жамиятининг шаҳар ва район ташкилотлари шаҳар аудиторияларида ва меҳнат коллективларида ленинча ўқишлар, лекциялар туркуми, Ленинома, тематик кечалар ва бошқа оммавий тадбирлар тематикасини ишлаб чиқишлари ҳамда бу тадбирларни кекса большевиклар, граждаплар ва Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, социализмнинг актив бунёдкорлари, таниқли олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари, раҳбар, совет ва хўжалик ходимлари иштирокида ташкил этишлари зарур.

Партия, совет, комсомол, касаба союз ва хўжалик ходимлари, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, кўп нусхали газеталарнинг ишчи мухбирлари учун В. И. Ленининг фаолиятига, ленинча ғояларни амалга оширишга бағишланган назарий ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Маданий-оқартув муассасаларимизда мавжуд бўлган имкониятлардан самаралироқ фойдаланишга алоҳида эътиборни қаратиш керак. Барча маданият саройлари ва уйларида, кутубхона ва музейларда, маданият ва дам олиш боғларида лекция ва бошқа оммавий тадбирлардан ташқари В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида виставкалар, тематик паннолар, В. И. Ленин ва унинг энг яқин сафдошлари нутқлари ёзилган грампластинкаларни эшитишни ташкил этиш лозим. Театрларда, клуб саҳналарида Ленининг ҳаёти ва фаолиятига, унинг буюк васиятлари ҳаётга жорий этилаётганига бағишланган спектакль ва концертлар мунтазам қўйиб борилиши зарур.

Бир қатор умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларида, олий ўқув юртлари ва техникумларда, шаҳарнинг корхона ва ташкилотларида Ленин хоналари, Ленин музеи, жанговар ва Меҳнат шонли шуҳрати музейлари бор. Уларда доҳийнинг юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Бу ерларда суҳбат ва лекциялар, партия ва меҳнат ветеранлари билан суҳбатлар утказиляпти, В. И. Ленинга бағишланган стендлар ва фотовитриналар безатиляпти. Электрон-техника заводи, 110 ва 125-мактаблар, 63-ҳунар-техника билим юрти партия ташкилотларининг ижобий ишларини қайд этиб ўтиш керак.

Сиёсий маориф кабинетлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, музейлар, агитпунктлар, Ленин хоналари, қизил бурчакларни энг яхши безатиш ва улар ишининг мазмунини бойитиш юзасидан жамоатчилик кўрик-конкурсларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Булар идеология муассасаларимизнинг активлигини янада оширади.

Бу ишларни ташкил этишда ҳақли равишда В. И. Ленин Марказий музейининг филиали методик марказ ролини ўйнайди. Янгиланган экспозициялар, экскурсоводларнинг оғзидан сўзлари улуғ Ленин образини янада ёрқин акс эттириши лозим. Музей В. И. Ленининг таржимаи ҳолини, ленинча назарий меросни ўрганиш юзасидан назарий семинар раҳбарлари билан машғулот ўтказишда партия комитетларига ёрдам бериши зарур. Шунингдек, ленинча тематика бўйича оммавий пропагандистик тадбирларни ўтказишга ёрдам бериши зарур. Бу ишга партия ветеранларини, шаҳарнинг тажрибали пропагандистларини кенг жалб этиш керак.

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртларининг партия ва комсомол ташкилотлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор беришлари лозим. Студентларнинг илмий ишлари конкурсларини, ёшлар сиёсий клубларининг машғулотларини, Ленин бўлган жойлар бўйлаб пионер дружиналарининг экскурсия ва походларини ана шунга бағишлаш керак.

Комсомол ташкилотлари «В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олайлик, беш йилликка зарбдор якунлайлик» шиори остида ёшлар ва комсомол-ёшлар коллективларининг мусобақасини кенг тус олдиришга эътиборни қаратишлари зарур. Юбилей арафасида ёшларнинг зарбдор вахталарини, ленинча шанбалик ва якшанбаликларни, меҳнат десантларини, касб маҳорати конкурсларини ўтказишлари лозим. Бутуниттифоқ ленинча комсомол йўқламаси мобайнида «Ленинчасига коммунизмни ўрганамиз, коммунизм қурамиз» ленинча дарсларини ўтказиш керак. Шунингдек, «Ленин номи билан, партия раҳбарлиги остида — меҳнат ва жасоратга!» кун тартибида йиғилишлар ўтказиш зарур. Ленин юбилейига шахсий меҳнат совғалари тайёрлаш, зарбдор иш ва аъло ўқиш намуналарини кўрсатиш ҳар бир комсомол аъзоси, ҳар бир ёш тошкентликнинг шарафли қурқидир.

Шаҳар матбуоти, радио ва телевиденеси олдида кўпгина ишлар турибди.

Шаҳарнинг барча партия ташкилотлари, идеологик муассасалари, агитатор ва пропагандист кадрлари, дедик ўз сўзининг охирида М. Ф. Солдатов, Ленин юбилейига тайёргарлик кўришга муносиб ҳисса қўшадилар, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига, коммунистчасига ишлаш йилига айлантирадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, идеология активистлари, идеологик муассасаларнинг раҳбарлари доклади муҳокама қилишда қатнашиб, иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, меҳнат коллективларида юбилейга тайёргарлик жараёнида ҳал этилаётган вазифалар тўғрисида гапириб бердилар, ҳал этилмаган масалаларга эътиборни қаратдилар.

Киров район партия комитетининг биринчи секретари Г. Қ. Ҳайдарова В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик юзасидан район партия ташкилотининг ишлари тўғрисида гапириб, кировликларнинг зарбдор, юқори онгли меҳнати, уларнинг революция доҳийси ғоявий-назарий меросини ўрганишга ижодий муносабати намуналарини келтириб ўтди.

Масалан, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи юбилейгача беш йилликнинг 4,5 йиллик топшириғини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажариш мажбуриятини олди. Районнинг 42 цехи, 36 участкаси, 126 бригадаси, 3,5 мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғори 1980 йилнинг 22 апрелигача ўз беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олишди.

Шонли ленинча сана яқинлашган сари аҳоли ўртасида идеологик ишлар тобора мазмундор бўлиб бормоқда. Ҳозирги пайтда партия ва иқтисодий ўқув системасининг 15 мингдан зиёд тингловчиси В. И. Ленин асарларини ўрганмоқдалар. Лекция туркуми ва кинолекторий, тематик кеча сингари иш формаларидан ленинча назарий меросни пропаганда қилишда кенг фойдаланиляпти.

Йиғилишда таъкидланганидек, юбилейга тайёргарлик юзасидан барча ишларни амалга оширишда В. И. Ленин Марказий музейи филиалининг роли ниҳоятда катта. Унинг директори, тарих фанлари доктори Х. С. Шукурова музей фаолияти тўғрисида гапириб берди. Коллектив меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам берувчи рангбаранг форма ва методлардан фойдаланяпти. Булар энг аввало, В. И. Ленин таржимаи ҳоли, КПСС тарихи, илмий коммунизмнинг актуал масалалари юзасидан обзор тарақасидаги тематик ва проблемали лекциялардир. Музейда партия ва иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифи системасининг тингловчилари машғулотлари ўтяпти, пропагандистларнинг семинарлари, илмий-назарий конференциялар, партия ветеранлари билан учрашувлар, кинолекторийлар ва бошқа тадбирлар ташкил этиляпти.

«Билим» жамиятининг шаҳар ташкилоти лекторлари бу ишларнинг барчасида актив иштирок этишяпти. Бу ҳақда жамият правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Ш. З. Ураза ев ҳикоя қилиб шуни таъкидладики, ленинча назарий меросни пропаганда қилиш меҳнат коллективларининг вазифалари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилаяпти. Ана шу мақсадда лекторлар меҳнат коллективлари ва турар жойларга чиқиб лекциялар ўқиляпти, лекторийлардан фойдаланиляпти. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги билан боғлиқ материаллар лекторлик маҳорати университетида, халқ университетларида, ёш лекторлар мактабида ўрганиляпти.

Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети катта тайёргарлик ишларини олиб боряпти. Бу ҳақда партия комитетининг секретари О. Е. Мироқилова гапириб берди. Эшиттиришларда юбилейни муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа масалалари ўз аксини топяпти, кекса большевиклар, пропагандистлар, таниқли олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва совет ходимлари микрофон олдида сўзга чиқмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисидаги қарори кенг пропаганда қилиняпти.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти П. А. Долгих, В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитетининг секретари Ю. Н. Звягинцев ўз сўзларини юбилейга тайёргарликда меҳнат коллективларининг иштироки, шонли санагача беш йилликни бажариш учун оммавий социалистик мусобақани ривожлантириш масалаларига бағишлашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

● ФАКТ ВА ШАРҲ

Кўчма... тиш даволаш кабинети

БУГУН

«Тез ёрдам»нинг одатдагидан бошқачароқ машинаси — кўчма... тиш даволаш кабинети ўзининг биринчи рейсига чиқди. Ана шу фактни шарҳлаб беришни «тез ёрдам» клиник касалхонасининг бош врачи ўринбосари Евгений Семенович Ставинский дан илтимос қилдик.

— Ҳозирги кунда Тошкентда сутканинг исталган пайтида беморларга тез ёрдам кўрсатувчи бешта навбатчи стоматология поликлиникалари ишлаб турибди. Ана шу медицина муассасаларига беморлар ўзлари келиб мурожаат этишлари лозим. Бирок, инвалидлар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, оғир бетоблиги туфайли ўрнидан туролмайдиган кишиларнинг тишлари оғриб қолса нима қилишлари керак?

Бундай пайтларда уларга янги ташкил этилган кўчма стоматология кабинети ёрдамга келади. «03»нинг янги машинаси одатдаги «РАФ»лардан фарқ қилмайди. Бирок, унинг ички жиҳозлари бутунлай бошқача. Бу ерда энг янги портатив жиҳозлар—аёллар сумкасидек келувчи чемоданчага жойлаштирилган. Бормашина, оддий стулни тезликда стоматологик ўриндиғига айлантириш имконини берувчи махсус мослама ва бошқалар бор. Ана шу жиҳозларни саноқли минутлар ичида беморнинг квартирасида ўрнатиш ва даволашга киришиш мумкин.

Кўчма тиш даволаш кабинетида ишлаш учун Л. Кагуровская, А. Ортиков, Я. Беринт, В. Бондарева каби малакали врачлар танланди. Улар бугун биринчи чақириқ бўйича дастлабки рейса чиқишади.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг янги усули мамлакатимизда биринчи марта Тошкентда ташкил этилди.

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

254-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси **Егоров** Юрий Иванович — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Бик** Изя Аронович — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Гульянц** Галина Армировна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Олимова Саодат Исмоиловна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Дружинина Людмила Алексеевна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Қобилжонов Қобул — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Лунева Людмила Ивановна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши Ўзбекистон илмий-тадқиқот лойиҳа институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Мирсиенко Константин Иванович — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Расулова Мухаббат Абдукомиловна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сатдинова Соня Ғуломовна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Холмирзаев Эркин Бекмирзаевич — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Шарафутдинова Фарида Фаттоҳовна — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Шукуров Абдураҳмон Абдуганиевич — Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши шаҳар қурилиши илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

255-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Страздин** Альберт Августович — «Ташинжстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шубина** Галина Ивановна — «Ташинжстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь — **Гао** Ольга Юрьевна — «Ташинжстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Габитов Фаниль Мингалиевич — «Ташинжстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Женгазина Роза Рафходжаровна — «Ташинжстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Заббарова Рауза Гарифуровна — «Ташинжстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Клянчин Иван Михайлович — «Ташинжстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Нуриев Шафқат Фанихович — «Ташинжстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Романов Александр Иванович — «Ташинжстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Савчук Алексей Андреевич — «Ташинжстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Шин Роза Валентиновна — «Ташинжстрой» трести Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Швец Ефим Израилович — «Ташинжстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Ямбаева Антонина Николаевна — «Ташинжстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

256-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Умаров** Жасур Анварович — «Сувенир» фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Достов** Александр Иванович — «Сувенир» фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Гуськова** Людмила Андреевна — 180-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Аҳмедова Раиса Галеевна — 180-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Акатова Дина Дмитриевна — 180-ўрта мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Алимов Аббос — «Сувенир» фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Богодухова Алла Георгиевна — 180-ўрта мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Баҳромова Мамлакат — «Сувенир» фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Боқиев Абдурашид Ёқубович — «Сувенир» фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

(Давоми. Бош газетанинг 1979 йил 296, 297, 298, 299, 1980 йил 2, 3-сонларида).

Варавина Валентина Николаевна — «Сувенир» фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Рудинская Ирина Яковлевна — 180-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Храмов Владимир Михайлович — «Сувенир» фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Пестернак Семен Викторович — «Сувенир» фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

257-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Рипс** Мордко Алтерович — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Тазиева** Талия Ягофаровна — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Смолина** Светлана Хайдаровна — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдураҳмонов Мирхолиқ — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Абдуллаева Муяссар — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Аъзамов Аҳрор — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Евграфова Александра Андреевна — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Кашенцев Иван Никитович — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Метеленко Ирина Григорьевна — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошлангич касаба союз ташкилотидан.

Мирҳамидов Тоҳир — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Назарова Сурайё — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Покушевская Раиса Аркадьевна — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Соатов Асомитдин — кўн-галантерея буюмлари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

258-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Беккулбеков** Фарид — халқ хўжалиги институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Паттохов** Абдухалил Ҳакимович — халқ хўжалиги институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Ақиддинова** Маҳсума — халқ хўжалиги институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Беспалова Надежда Ивановна — халқ хўжалиги институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Камолитдинова Назира Имомитдинова — халқ хўжалиги институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Мамутова Абадай Қайнбековна — халқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилар состави ва студентларидан.

Маҳкамбоев Абдулҳақ Тожиматович — халқ хўжалиги институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Панжиева Маҳфуза Турдиқуловна — халқ хўжалиги институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Павловская Светлана Андреевна — халқ хўжалиги институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ҳакимов Дўстмурод — халқ хўжалиги институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Харазов Абдусамат — халқ хўжалиги институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Хаитов Қодирқул Сатторович — халқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилар состави ва студентларидан.

Хабибова Шоҳида Маъруфовна — халқ хўжалиги институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

259-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Толипов** Боқи — «Средазпишчепром» бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Лукьянова** Зинаида Григорьевна — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Хмирова** Любовь Михайловна — тикувчилик саноати илмий-тадқиқот институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдураҳимов Абдуҳамид — тикув саноати илмий-тадқиқот институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Аҳмаджонов Баҳром — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Гурман Борис Михайлович — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Исломова Александра Ивановна — «Средазпишчепром» бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Искандеров Сардор — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ризаева Фарида Ғаниевна — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Тиллабоева Инобат — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Шейнман Вениамин Борисович — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Шевцова Людмила Андреевна — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Шевагина Рада Андреевна — озиқ-овқат саноати 3-Давлат лойиҳа институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

260-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Исломов** Маъмур Саизович — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Алимов** Қосим — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Қорабоева** Умница — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Бурцева Любовь Павловна — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ким Кира Анатольевна — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Мажидов Анвар — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Микаидова Хадича — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Попков Валентин Иванович — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Решко Григорий Яковлевич — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Стародумов Евгений Сергеевич — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Стародумова Татьяна Александровна — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Шонсломова Зувра — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Шонсломова Заҳро — Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

261-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Афанасьев** Олег Иванович — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Серебранная** Лидия Ивановна — «Жилстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Даргина** Ольга Дмитриевна — «Жилстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Демченко Лариса Васильевна — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Дадақузиева Гулчеҳра — «Жилстрой» трести Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Жукова Галина Семоновна — «Жилстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Ляшко Любовь Петровна — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Мираҳмедов Баҳодир Асқарович — «Жилстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Мракова Зулфия Фотиховна — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Проценко Николай Николаевич — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ракитик Виталий Алексеевич — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ҳакимов Собир Орипович — «Жилстрой» трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Шайдулин Рустам Солихович — «Жилстрой» трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

262-САЙЛОВ ОКРУГИ

Каримова Иноят — 23-ЖЭК бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Петушин Василий Викторович —23-ЖЭК бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ткачман Полина Лазаревна — 91-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

287-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Толчинский** Михаил Леонидович —«Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Муратов** Вадим Константинович — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь— **Пак** Галина Дмитриевна — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абаев Пенхас — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Обидова Мухаббат — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Галиев Ринат Рамильевич — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Гайворонский Александр Петрович — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Дмитриева Светлана Ивановна —«Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Маҳкамов Фаррух Федорович— «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Эгамбердиева Людмила Ильинична — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Нелюба Вячеслав Андреевич — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Перматов Абдуманоп Миллиевич — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Путинко Михаил Иванович — «Главсредазирсовхозстрой» ирригация бўйича давлат конструкторлик бюроси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

288-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Колябина** Вера Степановна — «Миконд» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Раис ўринбосари — **Исамуҳамедов** Рихсибой — «Миконд» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Семенова** Валентина Александровна — «Миконд» заводи бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Бакулин Александр Васильевич— «Миконд» заводи Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Ли Юрий Васильевич — «Миконд» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Мустафина Валентина Алексеевна — «Миконд» заводи бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Меметова Гульнора Нафиевна— 233-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Пичугина Людмила Васильевна — «Миконд» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сарваров Раҳматулла Абдуллаевич — «Миконд» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Режизова Татьяна Андреевна— 30-техника билим юрти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Уразаев Абдулҳақ Абдусаматович — «Миконд» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Хасанов Бахтиёр Исломович —«Миконд» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Шевченко Андрей Иванович— «Миконд» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

289-САЙЛОВ ОКРУГИ.

Сайлов комиссиясининг раиси —**Асаула** Иван Антонович — 1-автокомбинат бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шипова** Любов Григорьевна —1-автокомбинат бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь—**Тешабоев** Карим— 1-автокомбинат бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Орипова Мастура — 133-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Берин Ефим Яковлевич—1-автокомбинат бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Валиев Хасанбой —1-автокомбинат бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Жилецкий Леонид Иванович — 1-автокомбинат бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Зарипова Мингоя Хасибовна — шаҳар санитария эпидемиология станцияси медицина ходимларидан.

Кримонт Лидия Дмитриевна — шаҳар санитария эпидемиология станцияси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Мордик Александр Петрович— 1-автокомбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Мадалиев Раҳматулла Йўлдошевич — 1-автокомбинат Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Рустамова Дилбар —133-ўрта мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Соляхова Моҳира — 133-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

290-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Мирзиётов** Мирвахид — 185-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Соатова** Муҳаббат — 185-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Секретарь — **Зияева** Шарифа — 185-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Авазова Паракат — 185-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Верин Илья Иванович — «Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Мўминова Муяссар Қосимовна — 185-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Пирумов Андрей Тамразович— «Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Огай Павел Михайлович —«Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Салимова Любовь Михайловна «Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Тюнина Юлия Степановна — «Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Тинис Роман Эдуардович — «Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Хусанов Ниёз — 185-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

291-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Неъматуллаев** Хамидулла Неъматуллаевич — Шимолий саноат зонаси бирлашган медицина-санитария қисми бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Дьяченко** Валентина Федоровна — 8050-Марказий Давлат омонат кассаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Мирзаалиева** Ҳакима Ҳасановна — 8050-Марказий Давлат омонат кассаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Алиева Ҳамида Боқиевна — 8050-Марказий Давлат омонат кассаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Антипенко Виктор Леонтьевич —5-автопарк бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Жўраев Равшан Аҳмедович— район халқ маорифи бўлими ўқув-ишлаб чиқариш комбинати бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Жўраев Ёқуб — Шимолий саноат зонаси бирлашган медицина-санитария қисми медицина ходимларидан.

Қодирова Феруза Рафқатовна —5-автопарк бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Носирхонов Абдуҳаким — 5-автопарк бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Полякова Вера Михайловна — 5-автопарк бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Поанмарева Рабиға Газизовна— 5-автопарк ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Солодников Алексей Михайлович — район халқ маорифи бўлими ўқув-ишлаб чиқариш комбинати бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Тошпўлатова Феруза — Шимолий саноат зонаси бирлашган Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

292-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Абдураҳмонов** Алижон — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Яковлев** Сергей Федорович — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Калантьева** Наталья Владимировна — «Узкоопстроймонтаж» Тошкент ремонт қурилиш бошқармаси трести Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Галанова Александра Ильинична — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Галиева Роза Шариповна — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент кўчма механизациялашган колоннаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Исмоилбеков Анвар —«Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент кўчма механизациялашган колоннаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Қулматов Бахтиёр Мадримович — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент кўчма механизациялашган колоннаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Крейцберг Валентина Ивановна —«Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Раҳимова Насиба — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент-ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сереженко Мария Ивановна — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Терехина Светлана Петровна— «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ҳакимбеков Ботир — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент кўчма механизациялашган колоннаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Эргашев Абдумалик — «Узкоопстроймонтаж» трести Тошкент кўчма механизациялашган колоннаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

293- САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси —**Полянцев** Мургаб Михайлович —Тошкент область матлубот жамияти транспорти корхонаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Бадальянц** Георгий Атагулович — Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Пряхина** Лидия Ивановна —Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдумаликов Абдуахат —Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Буанский Владимир Данилович —Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Бурякова Лидия Ивановна — Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Гурфинкель Борис Аронович— Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Каримова Саломат —1-шаҳар клиник касалхонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Коршунова Ирина Владимировна Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Муртазин Шавкат — Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Рашидов Икром—Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Середкина Лидия Ивановна — 1-шаҳар клиник касалхонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ҳамроқулов Абдуқаҳҳор—Тошкент область матлубот жамияти транспорт корхонаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

(Давоми бор).

Газетхон илтимоси

КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ

Ҳурматли редакция! Шаҳримиздаги кўпгина тарихий ёдгорликлар қаторида энг кўрками— Кўкалдош мадрасаси қачон қурилган? Шундан мадрасалар бошқа шаҳарларда ҳам борми? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Шукуров, Шертойлоқов, Турдиев,
Парашютная кўчасида истиқомат қилувчилар.

Гўзал Тошкентимизда осмонўпар, кўркам ва замонавий бинолар қад кўтармоқда, уларнинг салобати, чиройи шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Шулар қаторида қадимий обидалар Тошкентнинг чиройига ҳолдек ярашиб турибди. Ана шундай обидалардан бири шаҳримизнинг Чорси—Йўлдош Охунбобоев майдонидаги Кўкалдош мадрасасидир. Бу мадрасани XVI асрда Тошкент ҳокимининг вазири — Кўкалдош қурдирган. Мадраса бунёд этилгани, гумбазлари ва пештоқлари билан бўйи 20 метрга етадиган бўлгани учун илгари шаҳарнинг бир қаватли бинолари ичида кўзга ташланиб турган.

Орадан икки асрча ўтгач, XVIII аср бошларида мадраса ташландиқ ҳолга келиб, карвон саройга айлантирилди. 1830—31 йилларда мадрасанинг иккинчи қавати бузилди, ғиштлари эса Бекларбек мадрасасига ишлатилди. Умумий маълумотларга қараганда мадрасанинг масжид ва дарсхона гумбазлари ҳам худди шу вақтда бузилган.

Кўкалдош мадрасаси 1868 йили зилзилада қаттиқ зарарланди. Шундан кейин 1902—03 йилларда шаҳар аҳолисидан йиғилган маблағ ҳисобига бинонинг юқори қисмлари қайта тикланди. Бироқ, асосий пештоқ ва гумбази тузатилмай қолди. 1946 йилги зилзила вақтида мадраса пештоқининг ёнларига ярим доира шаклида ишланган равоқлар, бурчакларидаги гулдасталар тамомила қулаб тушди. Умуман, мадраса тўғри бурчак шаклида бўлиб, томонлари 45х65 метрдир. Бинонинг биз доим кўрадиган олд томони жанубга, ҳозирги Охунбобоев майдонига қараган. Ёдгорликнинг ўртасида чорси ҳовлиси бўлиб, атрофида ҳужралар ва ёзлик айвонлар бор.

Ўша замон меъморлари мадрасани безашда, асосан бинонинг олд томонига эътибор беришган. Сиркор парчин ва геометрик нақшлар билан безатилган ҳашаматли кириш пештоқининг икки ёнида икки қаватли равоқ ишланган. унинг икки томонида феруза рангли баланд гумбазлар бўлган, дарчаларга панжаралар ўрнатилган.

Мадрасани қайта-қайта тузатиш ва ундан турли мақсадларда фойдаланиш натижасида бино ичини дастлабки ҳолати йўқолиб кетди. Сақланиб қолган баъзи нақш парчалари илгари унинг ичи дид билан безатилганидан дарак беради. Ҳозир Кўкалдош мадрасасига республика маданият министрлиги қошидаги малака ошириш институти жойлашган.

Шундай катта мадрасалардан яна бири Бухородаги Лабиҳовуз ансамблига кирувчи архитектура ёдгорлиги —Кўкалдош мадрасасидир. Бу мадрасани Бухоро амирининг вазири Қулбобо Кўкалдош 1568—1569 йилларда қурдирган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги мадраса ансамблда энг катта иморатдир. Меъморлар мадрасанинг узоқдан кўзга ташланишини назарда тутиб, икки қават баландлигида қатор равоқлар қуришган. Ҳар бир равоқдан алоҳида ҳужрага кирилади. Кўкалдош мадрасасида 160 ҳужра бор. Бу ажойиб ёдгорлик ўзбек классик меъморчилигидаги қадимий анъаналарни ўзида яхши акс эттирган.

Республикамизни н г кўпгина шаҳарларида —Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа ерларида ана шундай тарихий обидалар кўп. Улар давлатимиз томонидан муҳофаза қилинмоқда.

Т. РАСУЛЕВ.



СУРАТДА: шаҳримизнинг Йўлдош Охунбобоев (Чорси) майдонидаги Кўкалдош мадрасасининг олд томондан кўриниши.

И. Зиёвутдинов фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

АЛЛОМАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

ЎЗБЕК ШОИРАСИ ҲАҚИДАГИ БУ ҲИКОЯТЛАР ҚЎҚОНЛИК ҲАСАН ОТА УМАРОВ ВА МУЛЛА ТОШТЕМИР ФАХРИДДИН ЎҒЛИДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН.

Тадбиркор аёл

Қўқон шаҳрида Нодирабегим деган аёл яшаб, бутун умрини ғазаллар битиш, кишиларга яхшилик қилиш билан ўтказибди. Нодирабегим кўплаб аёлларни атрофига тўплаб ғазалхонлик қилар, қаерда ғазал битувчи қиз ё аёл борлигини эшитса, топтириб келиб унга ғамхўрлик қилар экан. Ўша пайтларда аёлларнинг ғазал битиши гуноҳ ҳисобланар, қайси аёл ғазал битса жазога тортилар экан. Нодирабегим:

—Аёллар ҳам инсон, инсон зоти улуғланиши керак,—деб уларни ўз ҳимоясига оларкан. Шунинг учун ҳам кишилар уни яхши кўришиб Моҳларойим, деб аташаркан.

Кунлардан бир куни Моҳларойим эри сафардалигида, мадраса талабалари кечқурунлари нималар қилаётганикин, деб билмоқчи бўлибди. Кун ботиб кеч киргач, ёнига ўзига яқин сарой аҳлидан икки-уч кишини олибди. Сочини турмаклаб, бошига чақмоқи телпак, қум саваи тўн кийиб, қўлига қамчин ушлаб шаҳарга чиқибди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида таърифи узоқ-узоқларгача кетган бир мадраса бор эди. «Қани, бу ерда нима гап экан?, деб Моҳларойим мадрасанинг дарчаларидан қарабди. Хонақоҳлардан бирида беш-олтита толиби илм шатранж тахтасига ёпишиб олиб нуқул: «Кишт! шоҳ! мот!» лаб бақириб-чақиришаётган эмиш.

—Бу жой мадраса бўлса, китоб ўқиш, илм қилиш ўрнига шатранждан бош кўтаришмаса-я. Бу аҳволга чек қўйиш керак,—кўнглидан ўтказибди Моҳларойим. Кейин каттароқ хонага қараб, беш-ўнта муллаваччанинг ўртага ўлтириб олиб, базми жамшид қилаётганини кўриб тозаям жаҳли чиқиб кетибди. Олдиларида кўза, ичи тўла бўзамиш. Муллаваччаларнинг бири қолиб, иккинчиси тортармишу, аммо мастликларидан нималар ҳақида сўзлашишаётганликларини ўзларийм билишмасмиш.

Моҳларойим ўрдага қайтибди. Тонг отибди. Моҳларойим мадрасанинг каттаю-кичигини ўрдага олдириб келибди. Тунда кўрганкечирганларини бирма-бир айтиб берибди. Барча гуноҳкорларни қаттиқ жазога тортибди. Шундан кейин шаҳарлик дурадгор-усталарни чақиртириб, мадрасани фақат дарс қилишга мослаб қайтадан қурдирибди. «Китоб қўлтиқламаган кишининг мадрасада юриши қатъиян ман этилади» мазмунида фармони олий биттириб дарвозаларга остиртириб қўйибди...

Нодирабегимнинг таклифи билан қурилган Моҳларойим. Хон мадрасалари илгаригидек каттакатта хоналардан иборат бўлмай, кичик-кичик хоналардан ташкил топган эди, икки четида кўрпача, ўртада хонтахта, китоб ва ўқув асбоблари учун қилинган токчадан иборат экан. Мадраса толиби илмлари учун шу ерда ётиб ўқиш учун ҳам шароитлар яратилиб, ётоқхоналар ҳам қурдирибди.

Буни кўрган кишилар Нодирабегимга офаринлар айтишибди.

Гуллар тортишуви

Нодирабегим машҳур шоир бўлиш билан бирга, ҳусида тенгсиз аёл эди. Шоиранинг суҳбатидан бир мартаба баҳраманд бўлган киши борки, унинг ақлу-идроки, фаҳм-фаросатига қойил қоларди. Эри шоир Умархон ҳам Нодирабегимнинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига доим қулоқ соларди. Кунлардан бир куни Умархон ўрдага келаётиб боғдаги гулларнинг баҳслашаётганликларини эшитиб қолибди.

— Сендан кўра чиройли ва ҳидлироқман. Шунинг учун кишилар мени ёқтиришади, — дебди қизил гул атиргулга.

— Э, йўқ, кечирасан, — деб жавоб берибди унга атиргул, — мен сендан кўра минг чандон муаттар ва чиройлироқман. Одамлар мени кўпроқ ёқтиришади.

Гулисафсар, гулираъно, гулирайҳон каби гуллар: «Тўғри! Атирнинг сўзига қўшиламиз!» — дейишибди қувонгандан чапак чалишиб. Ғир-ғир эсаётган сабо ҳам буни маъқуллабди-да, атиргулнинг муаттар ҳидини чор атрофга олиб қочибди. Гул шохига қўниб хониш қилаётган тўти-юбулбуллар ҳам сайрашдан тўхтаб атиргул сўзини маъқуллашибди. Яна бироз жим турса тортишув жанжалга айланиб, бири иккинчисини хафа қилиб қўйишига кўзи етган Умархон пичоғини ёнидан олиб, гулларни шартташартта кесибди-да, катта гулдаста қилиб ўрдага келибди. Нодирабегим аркда ғазал битиб ўтирган экан. Умархонни кўриб қолиб ёнига чақирибди:

— Бегим, ҳозиргина ёзиб битирганим ғазални эшитишни истайсизми? — деб сўрабди.

— Жоним билан, — жавоб қилибди Умархон. Нодирабегим ғазал бошлабди.

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.
Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт...
Изору қадду рафторингни кўрсат,
Чаман сарву шармисор эт..

— Офарин! Тасанно! Жудаям яхши битибсиз, — деб маъқуллабди Умархон.

Нодирабегимнинг кўзи Умархон қўлидаги гулдастага тушибди.

— Нечун гул кўтариб юрибсиз? — сўрабди Нодира. — Ё ғазалимни боди сабо етказдими?

— Сизга олиб келдим, — жавоб қилибди амир.

— Менга гулнинг кераги йўқ эди-ку? Уларнинг бошларини таналаридан жудо қилиб, бўғизларини сиртмоққа солибсиз, бегим.

Раҳмат ўрнига таъна эшитган Умархоннинг жаҳли чиқиб:

— Боғ оралаб келаётган эдим, қулоғимга гулларнинг савол-жавоблари чалинди. Яқинроқ бориб қулоқ солсам, қизил гул билан атиргул мен чиройли, йўқ мен чиройли деб баҳслашаётган эканлар: «Ҳозир сенларни ҳаммангдан кўра гўзал ва дилбарроқ бекамга олиб бораман-да, ўшанда кўрасанлар ким-кимдан кўра чиройлироқ», дедим-да, шартта-шартта кесиб олиб келавердим. Гулларга ҳусн улашган сиз эмасми, ахир.

Умархоннинг сўзидан уялиб Нодирабегимнинг юзлари лоладек қизариб кетибди:

— Барибир, чакки қилибсиз. Гулни танидан жудо қилиб, бўйинларига сиртмоқ солмоқни ёмон кўраман. Бу ҳаммадан кўра сизга аён эди-ку. Гуллар баҳслашаётган эканлар, уларни ўз ихтиёрларига қўйганингиз маъқул эрди...

Нодирабегимнинг сўзларидан хижолатга тушган Умархон ўзини қўярга жой тополмай қолибди.

Филология фанлари доктори Малик МУРОДОВ ёзиб олган.

● ДИҚҚАТ, ЯНГИ ПРЕПАРАТ!

КИР – ЧИРЛАРНИ ТОЗАЛАГАНДА...

Кундалик турмушда ишлатиладиган пахта ҳамда синтетик материаллардан тайёрланган чойшаб, ҳар хил ички кийимлар ва бошқа буюмларни тоза туриши, албатта киши кайфиятини кўтаради ва саломатлигини яхшилайди. Ҳар бир уй бекаси буюмларни яхши сақлаш ва узоқ вақт тутишни истайди. Бунинг учун буюмларни тозалаш, дизенфекция қилиш усулларидан тўғри фойдаланиш зарур.

Уй бекалари кўпинча буюмларни дезинфекция қилиш учун қайнатиш усулидан фойдаланадилар. Аммо бу усулда ҳамма материаллардан тайёрланган буюмларни дизенфекция қилиб бўлмайди. У асосан сидирға рангли оқ ҳамда шунга ўхшаган очроқ рангли матолардан тайёрланган буюмларга қўл келади-ю, аммо материалнинг тезда бузилишига сабаб бўлади. Ҳар хил кир ювиш порошоклари, хўжалик совунлари билан ювиш пайтида эса, микроорганизмлар сақланиб қолади. Табиий савол туғилади. Уй шароитида дизенфекция қилишнинг энг яхши усули борми?

Яқинда Бутуниттифоқ химия саноати илмий текшириш ва проектлаш институти ходимлари томонидан янги синтетик кир ювишда ишлатиладиган препарат ишлаб чиқдилар. Унинг номи «Фитон»дир. Фитон препарати матоларни жуда яхши тозалайди, уларни дизенфекция қилади ҳамда синтетик толалардан тайёрланган буюмларда статик электр токи ҳосил бўлишини йўқотади. Бу препаратни асосий компоненти «катамин АБ» бўлиб, у «фитон»ни бактерицид антистатик таъсирлари учун хизмат қилади.

«Фитон» билан фақатгина кийим, чойшаб ҳамда шунга ўхшаган мато буюмларнигина эмас, балки пойафзалнинг ички қисмини ҳам тозалаш мумкин. Бунда препарат фақатгина дизенфекция қилиб қолмай, балки ўткир ва бадбўй ҳидларни ҳам йўқ қилади.

А. ИКРОМОВ,
химия фанлари кандидати.

● ОҚШОМ НАСИБАСИ

Товуқ ДИМ-ДИМ

Товуқ, ғоз, курка каби йирик паррандалардан дим-дим усулида пиширса бўлади. Бунинг учун сўйиб тозаланган парранда гўштига туйилган мурч, зира, туз сепасиз, ичига нордон олма ёки беҳидан кесиб тўлдирасиз ва тикиб қўясиз. Масаллиқни топ-тоза ва намланган салфеткага ўраб духовка латнисига қўясиз. Куйиб кетмасин учун сув ҳам қуясиз, вақти-вақти билан патнисдаги сувдан қошиқда олиб салфетка устидан севалаб турасиз. 50—60 минутда хил-хил бўлиб пишади, беҳининг ҳиди гўштга, гўштнинг ҳиди беҳига уриб лаззатли бўлади. Дастурхонга таомни бутунлигича ҳам, бўлакларга бўлиб ҳам тортиш мумкин.

ТОВУҚ ДИМ-ДИМ УЧУН: бир дона товуқ, ярим кило олма ёки беҳи, мурч, зира, тузнинг ҳар қайсисидан бир чой қошиғида олинади.

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

КАШАНДА АЁЛ

Тамаки чекиш хотин-қизлар организмига қандай таъсир қилади? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

К. ҲАМИДОВА.

Чекиш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам зарар қилади. Чекиш юрак-томир касалликлари, ўпка раки, меъда яраси хавфини кучайтиради, эндартериит (артерия ички пардасининг яллиғланиши)га олиб келади. Бироқ аёллар чекканда организмга жуда сезиларли зарар етади.

Қиз бола чекишга қанчалик эрта ўрганса, тамаки тутунининг заҳари унга шунчалик хавфлироқ таъсир қилади. Агар у балоғатга етмасдан аввал чекишга майл қилган бўлса, организми яхши ривожланмайди, секин ўсади.

Чекадиган қизнинг ташқи кўриниши ҳам бошқача бўлиб қолади. Тамаки таркибидаги никотин таъсирида қон-томирлар торайиб қолади, тўқималарнинг озиқланиши ва кислород билан таъминланиши бузилади. Бунинг устига тамаки тутуни таркибидаги ис гази билан қондаги гемоглобин бирикиши натижасида қонда кислород камаяди. Буларнинг ҳаммаси терининг озиқланишини қийинлаштиради, тери дағал, носоғ бўлиб қолади. Ашаддий кашандаларнинг ранги кўкиш, заҳил бўлади.

Афсуски баъзи аёллар улар ҳаётида чекиш мутлақо мумкин бўлмайдиган давр келишини билмайдилар. Бу давр ҳомиладорлик ва болани кўкрак бериб эмизиб боқиш давридир.

Шуни унутмаслик керакки, тамаки тутуни заҳарлари йўлдош орқали ҳомила организмига ўта олади ва заҳарли таъсир қилади. Бундай ҳолларда ҳомила яхши ўсмайди. Кашанда аёлларда 2—3 марта кўп ҳомила тушади, бундай аёлларда ой-куни етиб туғилган чақалоқлар эса одатда жуда заиф ва вазни нормадан кам бўлади.

Кашанда аёл чақалоқни кўкрак бериб эмизиб боқса ҳам, бола яхши ўсмайди. Бундай онанинг бир литр сутида 0,5 миллиграммгача никотин бўлади. Бола вазнининг ҳар 1 килограммига 1 миллиграмм никотин тўғри келиши эса гўдакни ҳалок қиладиган доза ҳисобланади. Кашанда аёл сутининг ҳиди ва мазаси ёқимсиз бўлади, шунинг учун ҳам бола кўкракни эммай қўйиши, эмганда ҳам суст эмиши мумкин. Бундай эмизикли онанинг сути яхши келмайди, сут кам ишланиб чиқади, сути эртароқ йўқ бўлиб кетади.

Кўриб турибсизки, кашанда аёл фақат ўзининг соғлиғига зарар етказиб қолмай, балки боланинг саломатлигига ҳам путур етказади.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

Муз устида фигурали учиш ёшларнинг севган машғулотига айланиб боряпти. Шаҳримиздаги «Юбилей» спорт саройи қошида конькида фигурали учиш бўйича болалар тўгараги бу соҳада қизғин иш олиб боряпти.

СУРАТДА: янги йил арча байрамларида ёш спортчилар муз устида ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

● ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

РАНГЛИ, ХАЖМЛИ

Янги йил олди кечаларидан бирида ленинградлик минглаб телетомошабинлар мисли кўрилмаган эксперимент қатнашчилари бўлдилар: бу ерда рангли экспериментал стереоскопик программа жаҳонда илк бор кенг эфирга намойиш этилди.

Программани Ленинград студияси М. А. Бонч—Бруевич номли алоқа электротехника институтининг мутахассислари билан биргаликда тайёрлади. Илмий коллективнинг раҳбари П. В. Шмаков зангори экраннинг келажагига бағишланган шу программада айтдики, Ленинградда ишлаб чиқилган стереоскопик система телеприемник ва кўрсатувчи аппаратни ҳеч қандай бошқатдан ишлаш ёки уларга қўшимча аппаратлар қўйишни талаб қилмайди. Томошабинлар пушти ва зангори фильтрлари бўлган кўзойнак тақсалар бас.

Институт лабораторияларида ҳажмли тасвирларни трансляция қилиш билан боғлиқ экспериментлар бундан беш йил аввал бошланганди. Энди шунинг натижалари билан кўп миллионли шаҳар аҳолиси танишди.

Яқин келажакда мутахассислар янги системани махсус кўзойнакдан ҳам воз кечиладиган қилиб такомиллаштириш умидидадирлар.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/I да **Уйқудаги гўзал** (19.00), 6/Iда **Уйқудаги гўзал** (12.00), **Севилья сартароши** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Истеҳком** (11.00), **Томоша давом этади** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/I да **Чоллар ва кампирлар,** 6/Iда **Олтин камар.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Янги йил эртак цирк томошалари** (10.00, 13.00, 16.00, 19.30).

КИНО

5, 6 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ПЕНЕЛОПА?»— **Фестиваль.**

«АСАБНИ АСРАНГ!» — **Искра.**

«ФАЛАСТИНЛИКЛАР: ЯШАШ ҲУҚУҚИ» — **Нукус.**

«БУГУН МАНЕЖДА» — **Мир.**

«ДИПЛОМ». МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТЎПЛАМИ — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ШИША». МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТЎПЛАМИ—**Дружба.**

«БИР ДЕНГИЗ ЁҚАСИДАГИ ЕТТИ МАМЛАКАТ» — **Москва.**

«У ЕРДА ҲАММА НАРСА АЁН» —**Навоий номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРНОМА» — (3—4-сериялар) — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 19.45), **Чайка** (12, 15, 18, 20.30), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Москва** (11.30, 14, 17, 20.00).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАЙҒУМ МЕНИНГ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 11, 13, 15, 17, 18.45), **Қозоғистон** (телефон: 35-24-92), **Дружба** (телефон: 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон: 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон: 96-63-60), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ЧАПАНИ» — **Искра** (16, 18, 19.45).

«ШАМОЛНИ ИЗЛАНГ» — **Восток** (кичик зал, 10.30, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

«ЕМЕЛЬЯН ПУГАЧЕВ» — **К. Ерматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.45, телефон: 24-22-66).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
6 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ТЎЛҚИН асари. **С. БОБОЕВ музикаси.**

«ОЛТИН ҚАМАР»

(2 парда, 5 кўринишли музикали комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор Р. ҲАМРОЕВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.
Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Режиссёр ассистенти — Ф. АҲМЕДОВ.
Режиссёр ёрдамчиси — Р. МУҲИДДИНОВА.
Билетлар сотилмоқда.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг
ОЛИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ
В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги юқори синф ўқувчилари учун
VI АНЪАНАВИЙ МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Биринчи тур 6 январь соат 10.00 да 299-аудиторияда ўтказилади.

Биринчи тур ғолиблари 8 январь соат 10.00 да (229-аудиторияда) **ўтказиладиган иккинчи турда қатнашадилар.**

Ғолиблар дипломлар, ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Олимпиадада қатнашишни истаганлар олий математика кафедрасида рўйхатдан ўтадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, II корпус, 229-хона.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 ЯНВАРЬ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Қуёш омборхонаси». Ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги ҳақида. Кўрсатувни биология фанлари доктори В. Н. Тихомиров олиб боради. 18.00 Мультфильмлар программаси. 18.25 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. Кўрсатувни Д. А. Голованов олиб боради. 18.55 Н. В Гоголь. «Ўлик жонлар» М. Горький номли СССР Москва Бадиий академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 «Русская зима» санъат фестивалининг якунловчи концерти. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Юлдузча» Киноальманах. 19.00 «Болалар учун концерт 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.45 «Операнинг ёш солистлари». М. Маматова. 20.30 «Ахборот» информацион программаси 20.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.30 Москва «Время» информацион программаси 22.00 «8—1» Эстрада программаси 23.00 «Шахс болаликдан бошланади» Телефильм (рус.). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

6 ЯНВАРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.35 «Цирк майдонида» 18.30 «Халқаро панорама» 19.15 «Дарё ёқасидаги ўтлоқда» Мультфильм. 19.30 «Хатларингиз асосида». Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан музикали программа. 20.20 «Эҳ, водевиль, водевиль». Телевизион бадиий фильм премьераси. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан «Мосфильм»да тайёрланган, 1979 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Балет ҳақида». СССР халқ артисти Н. Бессмертнова. 23.10 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси. «Иккови бир қайиқда» («Экран»), «Жарима зарби ҳақида трактат» («Центрнаучфильм»). Кўрсатув тугагач (23.40)— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар 10.10 «Қашқадарё области «Бўстон» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 11.00 «Бепоён Ватаним менинг». Кинопрограмма (рус.).

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

12.00 «Қувноқ стартлар» 13.00 Телевизион театр. Ака-ука Гримм. «Жасур тикувчи» 14.00 «Сиҳат-саломатлик». «Грипп ва унинг олдини олиш» Илмий-оммавий программа. 14.30 «Ассалом, Олимпиада йили» 15.30 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси 18.20 «Ўрмон газетаси» Болалар учун фильм. 18.40 Болалар учун. «Бойчечак» 19.10 «Табассум» Телефильм 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси 20.50 «Н Хамроқулов куйлайди». 21.30 Москва «Время» информацион программаси 22.05 «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Кинокомедия 23.25

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!
6 ЯНВАРДАН БОШЛАБ
2-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ
Шота Руставели кўчасидан бошлаб, Волгоград—Чилонзор—Муқимий кўчалари бўйлаб ҳаракатланади ва яна Шота Руставели кўчасига чиқиб, ўз маршрути бўйича Ишчилар шаҳарчасига боради.
Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси.

«Тошкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йўқолган
23211 НОМЕРЛИ ҚАБУЛ КВИТАНЦИЯСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар тез ёрдам клиник касалхонаси коллективи тез ёрдам хизматининг кекса ходими, подстанциянинг катта врачи
Садир Қиёмович МУСАЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти ректорати, партия ва маҳаллий ташкилотлари педагогика кафедрасининг доценти Р. А. Назаровага отаси
Маҳамадали ҲАЙДАРАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Фрунзе савдо маркази коллективи директор Х. Р. Шариповга отаси
Раҳмат ШАРИПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83 қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 ЯНВАРЬ, 1980 й.

Р—12807 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64582 Нашр Б—2016 5